

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича

«23» декабр 2022 йил

Яйпан шахри

№ 686 сонли ШАРТНОМА

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи Бунёдкор Строй Мухандис МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари

А. Имомназаров биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Ўзбекистон туман ХТБ номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Н.Сиддиқова ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди:

1. Шартнома предмети

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:

32-мактаб биноси ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш

1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати 120 000 000 сўм, (бир юз йигирма миллион сум)(рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил қилади.

1.3. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: 31.12.2022-йил

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.

2.2. «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 3 кун ичида амалга оширади.

2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3. «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.

3.4. «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Жарималар қўлланилиши

4.1. Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.2. Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларини умумий кийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3. Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш (хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.02 % миқдорида «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.

4.4. Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5. <Форс-мажор>

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

- 6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома куйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
 - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
 - в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
 - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиха-смета хужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 - д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Қўшимча шартлар

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро келишилмаса Ўзбекистон Республикаси иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади
- 7.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.
- 7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- 7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли газначилик бўлинимасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишли газначилик бўлинимасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади

Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

9.

«Иш бажарувчи»
Бунёдкор строй муҳандис МЧЖ
(Иш бажарувчи номи)

Манзил: Учкуприк Тумани

Тел./факс 91 201-02-98

х/в: 20208000905382917001

Банк номи: Микрокредит банк учкуприк филиали

МФО: 01052 СТИР: 308445610

ОКОНХ 61110

Рахбар:  А.Имомназаров
(Ф.И.Ш) (имзо)



М.Ў.

«Буюртмачи»
Ўзбекистон туман ХТБ
(буюртмачи)

Манзил: Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси

Тел./факс

ш/х:

СТИРн 305153082

ХР: 100022860302307092100075074

ОКОНХ 97600

МФО 00014

Газначилик: Ўзбекистон туман Газначилик бўлими

Газна Х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919

Рахбар 

(Ф.И.Ш) (имзо)



М.Ў.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

WN4716236361

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Bunyodkor stroy maxandis MChJ va O‘zbekiston tumani XTB o‘rtasidagi 32-maktab binosi va isitish tizmini joriy ta'mirlash bo‘yicha pudrat shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: O'ZBEKISTON TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI tomonidan 22.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**O‘zbekiston tumani
yuridik markazi
markaz rahbari:**



A.A.ERGASHEV

23.12.2022